

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят кенгаши сессияси

Вилоят ҳокимлигида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги VII сессияси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенатига Тошкент вилоятидан сайланган аъзолар, Қонунийлик палатаси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбарлари ва котибият мудирлари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, сиёсий партия гуруҳларининг вилоят бўлими раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, ҳокимликларнинг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, молия бўлими бошликлари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов олиб борди.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Сессияда кун тартибига қўйилган вилоят маҳаллий бюджетининг 2015 йил қўйлаётган ижроси ҳамда 2016 йилги маҳаллий бюджет параметрлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2015 йилда вилоятда ўтказилган текшириш ахборотига ҳамда 2015 йил 10 августдаги кўрсатма хатида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг ижроси, вилоятда 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури, Вазирлар Маҳкамасининг "Қасб-ҳунар коллежлари биттирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг вилоятдаги ижроси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2015-2019 йиллар учун муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва замонвийлаштириш дастури тўғрисида"ги Қарорининг вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги ижроси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва доимий комиссияларнинг 2016 йилга мўлжалланган иш режаларини тасдиқлаш, шунингдек, айрим ташкилий масалалар муҳокама этилди. Йигилишда қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

СУД ВА ЁШЛАР

Пискент агросаноат ва иқтисодиёт қасб-ҳунар коллежиди "Суд ва ёшлар" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Жиноят ишлари бўйича туман суди, прокуратура ходимлари, "Қамолот" ЁИХ туман кенгаши аъзолари иштирок этган мулоқотда суд тизимига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида атрафли фикр юритилди. Шунингдек, республика Президентининг "Ўзбекистон Республи-

касида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар натижасига тўхталиб ўтилди.

Юлдузхон
МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Танлов

Ўзбекистон миллий матбуот марказида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмита-

си, Маънавият-тарғибот маркази, Журналистлар ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий-ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди вакиллари, шунингдек, фуқаролар йиғинлари фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

ИСТИҚЛОЛ — ҒУРУРИМ, МАҲАЛЛАМ — ФАХРИМ

Анжуманда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида "Маҳалла" фонди амалга оширган ишлар ва эришилган натижалар, ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолияти, айниқса, Кексаларни эъзозлаш

йилида сермахсул бўлгани, ёши улуг нуронийлар аслида ҳам доимий эътиборда экани, мамлакатимиз раҳбари кўрсатмалари асосида уларга янада муносиб рағбат кўрсатилаётгани, фонд ҳисобидан кексаларимиз

учун 10 млрд. сўм ажратилгани айтилди. Бу маблағ уларнинг саломатлигини тиклаш, яшаш шароитларини яхшилаш, қўшимча қулайликлар яратиш каби эзгу ишларга сарфлангани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда, шунингдек, "Истиқлол — ғурурим, маҳаллам — фахрим" кўрик-танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди. Қувонарлиси, танлов совриндорлари орасида "Тошкент ҳақиқати" газетасининг ёш, иқтидорли мухбири Нозима Расулова ҳам бор. Унинг маҳаллалар фаолияти ҳақидаги таҳлилий мақолалари жамоатчилик эътиборига тушган, эътироф этилган. Ҳамкасбимизни ушбу нуфузли танловдаги муносиб иштироки билан қутлаймиз.

Сайёра ЭШМАТОВА,
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.



Президент арчаси

ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИДАН БОЛАЖОНЛАР ЧЕКСИЗ ҚУВОНЧДА!

Шу кунларда бутун Ўзбекистон бўйлаб ажиб кўтаринкилик, байрамона кайфият ҳукмрон. Айниқса, болажонлар қувончини айтмай-сизми? Ахир останада Янги — 2016 йил эшик қоқиб турибди. Уни "Соғлом она ва бола йили" деб номланиши эса мустақил Ўзбекистонда оналар ва болалар доимий эътиборда, давлатимиз, Юртбошимиз муҳофазасида эканидан дарак бериб турибди.



Шунинг учун ҳам, тинч, осуда ҳаётимиз рамзи бўлган ғўзал диёримизнинг сон-саноксиз чироқлари ёниб турган аjoyиб, кўркем арчалар билан тўлиб

тошган кўчаю, хонадонларида болажонларнинг шўх-шодон кулгилари, қийқириклари ғўё оламни тутган. Вилоятимизда Янги йил шодиёналар

нинг дебочаси Президент арчаси Зангиота туманидаги "Гиламсарой" танталар уйида бўлиб ўтди. Худди эрталардагидек безатилган сарой ўртаси-

даги гаройиб ўйинчоқлар, ранг-баранг чироқлар билан безатилган арча атрофида ижтимоий шаҳар, туманларидан

(Давоми 2-бетда).

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Юртимизда байрам шукуҳи кезаётган айни чоғларда жойларда ўтказилаётган турли тадбирлар барчага хуш кайфият улашмоқда. Бекобод шаҳридаги "Металлургия маданият саройи"да бўлиб ўтган байрам тадбири Янги

— "Соғлом она ва бола йили" муносабати билан чегара ҳудуддаги Жомий ва "Бунёдкор" маҳаллалари ҳамда Х. Олимжон МФЙга қарашли "Қардошлик — 2" аҳоли пунктида яшовчи фуқаролар учун уюштирилди.

Вилоят ҳокимлиги тақлиф этган ўзбек эстрадаси юлдузлари, санъат коллежи ва мактаби ўқувчилари, шаҳар маданият уйи ходимлари иштирокидаги концерт дастури тадбирга йиғилган 400 кишига байрам кайфиятини улашди. Ҳудуддаги 4-умумтаълим мактабининг 1-, 4-синф ўқувчилари ҳамда Жомий ва "Бунёдкор" маҳаллаларидаги кам таъминланган оила фарзандларига байрам совгалари топширилди.

Нозима АРСЛОНОВА,
Даврон АҲМАД олган сурат.



2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

УЛУҒЛАР ЎТГАН ТАБАРРУК МАКОН

Ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйи. Кўп йиллар муқаддам бино деворига моҳирона ишланган устоз ижодкорлар тасвири қаршида беихтиёр туриб қоламиз. Ушбу даврада гарчи йўқ эса, беназир устоз Абдулла Қодирининг ғаму ташвишларга тўла қиёфаси кўз олдимизда жонланиб,

шивирлаётгандай бўлади: "Мен кимга қандай ёмонлик қилган эдим?... Шу аснода бир йўла Абдулла Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Бехбудий янглиғ буюк зотларнинг ёрқин ва нурли умр йўллари, покиза сиймолари ҳам кўз ўнгимизда гавдаланади. Ҳар бири

(Давоми 2-бетда).

Вилоят прокуратурасида

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун муносабати билан кечиримчилик, инсонпарварлик, бағрикенглик каби инсоний фазилатларни ўзида акс эттирган ҳужжат — амнистия акти эълон қилинади.

Вилоят прокуратурасида ўтган семинар Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорининг жойлардаги ижросига бағишланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, жиноят ишлари бўйича вилоят шаҳар ва туманлари судлари, адлия, ички ишлар,

(Давоми 2-бетда).

Муносабат

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги маърузаларида мустабид эски тузум билан адолат ҳукми сураётган ҳозирги тузум қиёсланиб, юртимизда бугунги кунда амалга оширилаётган улкан ишлар самаралари очиб берилди.

Мамлакатимиз халқи тинч, фаровон ҳаёт кечирмоқда. Аҳоли саломатлигига юксак эътибор ҳақида-ку, ҳар қанча гапирсак ҳам оз. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишларнинг нақадар бекиёс экани яққол кўриниб турибди. Мустақиллик даврида оналар ва болалар ўлими, сил, онкологик, руҳий ва юқумли касалликлар кескин камайди. Ваҳоланки, истиқлолдан илгари шифохона ва поликлиникалар аҳоли тураржойларидан анча узоқ, тез тиббий ёрдам муассасалари қаровсиз аҳволда бўлган, тез ёрдам машиналари етишмаслиги, бори ҳам эски ва таъмирталаб экани сабабли аҳолининг шошилишч тиббий қўмакка эҳтиёжини қондира олмагани, аксар ҳолларда беморлар ёрдам етиб келгунча, ҳаётдан кўз юмганини унутиб бўладими?

Мустақилликда кенган 24 йил давомида тиббиёт тизими тубдан ислоҳ қилинди. Аввало, тиббиёт ходимларининг ойлик маошлари

бир неча баравар ошди. Соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш дастури қабул қилинди ва ижроси таъминланди. 10 та ихтисослаштирилган марказ ва уларнинг жойлардаги филиаллари очилди. Барча вилоятларда скрининг марказлари иш бошлади, улар энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди, Санитария-эпидемиологик вазият мунтазам қаттиқ назорат остига олинди.

Юртбошимиз ўз маърузаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ёки хориждан келтирилаётган дорилар воситалари ва асбоб-ускуналар сифатини назорат қилиш топширигини берганлари айни муддао бўлди. Эришилган бу ютуқлар, амалга оширилаётган ислохотлар юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, хотирхаллик, барқарорлик тўғрисида.

Абдувоҳид СОДИҚОВ,
вилоят силга қарши
кураш диспансери
бош шифокори, вилоят
бош фтизиатри.

Сарҳисоб

ОМИЛКОР ФЕРМЕРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Иқтисодиёт, фан, таълим, спорт каби барча жаҳаларда эришилган оламшумул муваффақиятлари билан тарих зарваракларига муҳрланаётган 2015 йил барча соҳа вакиллари қатори, вилоятимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари учун ҳам унутилмас бўлди. Айниқса, асосий икки тармоқ — ғаллачилик ва пахтачиликда эришилган натижалар диққатга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

ТАБРИК ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАЪЛИМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ЗАНГИОТА ТУМАНИ КЕНГАШИ

юртдошларимизни

Янги йил байрами

билан табриклаб,
мустаҳкам соғлиқ,
бахт ва омад
тилайди.

ТАЪЛИМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ПИСКЕНТ ТУМАНИ КЕНГАШИ

барчангизни

Янги – 2016 йил билан муборакбод этади!

Юртимиздан тинчлик,
хонадонларимиздан
файз-барака аримасин!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиди) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2016 йил 30 январь соат 10.00 да очик тендер ўтказилади

- Битта пакет билан:
ШИ-16 "Троицк-5 фермерлар уюшмаси (по прямой)" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
ВХ-558 й.т. "Газалент АШБ-Қўйлик АШБ" (такрорий)
2. Битта пакет билан:
ШИ-11 "Галаба маҳалла дўкони-Чинор даҳаси" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
ШИ-19 "Чинор маҳалласи-Айланма" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
3. ШИ-11П "Галаба маҳалла дўкони-Чинор даҳаси" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
4. ШИ-11П "Галаба маҳалла дўкони-Чинор даҳаси" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
5. ШИ-9 й.т. "3 кичик ноҳия-АБЗ-Ором" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
6. ШИ-21 й.т. "ЭАТЖМ-3-кичик ноҳия (АТЦ)" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
7. ВХ-503 "Чирчиқ АББ-Товоқсой қишлоғи" (такрорий)
8. ВХ-518 "ЭАП-Озодбош қишлоғи" (ЭАП томондан) (такрорий)
9. ШИ-25 й.т. "Чинор қишлоғи бекати-Аммофос ОАЖ" (Олмалик ш.) (такрорий)
10. ШИ-31 й.т. "Сут заводи-Аммофос ОАЖ" (Олмалик ш.) (такрорий)
11. ШИ-1 "Шаҳматчи қўргони-УМК бозори-Шаҳматчи қўргони" (Бекобод ш.) (такрорий)
12. ШИ-2 "Фарҳод ГЭС-УМК ЭСПК" (Бекобод ш.) (такрорий)
13. ШИ-3 "Темир йўл вокзали-УМК бозори-Темир йўл вокзали" (Бекобод ш.) (такрорий)
14. ШИ-8 "УМК бозори-УМК бошқармаси" (Бекобод ш.) (такрорий)
15. ШИ-10 "Темир йўл вокзали-УМК бозори орқали-УМК" (Бекобод ш.) (такрорий)
16. ШИ-1 й.т. "Шаҳматчи-УМК бозори" (айланма) (Бекобод ш.) (такрорий)
17. ШИ-2 й.т. "УМК бозори-Киров қўргони 16-сонли мактаб" (Бекобод ш.) (такрорий)
18. ШИ-3 й.т. "Темир йўл вокзали-УМК бозори-12-, 13-дахалар-Марказий шифона-Темир йўл вокзали" (Бекобод ш.) (такрорий)
19. ШИ-3 й.т.П "Темир йўл вокзали-УМК бозори-12-, 13-дахалар-Марказий шифона-Темир йўл вокзали" (Бекобод ш.) (такрорий)
20. ШИ-3 й.т. "Темир йўл вокзали-Марказий шифона-12-, 13-, 14-дахалар-УМК бозори-Темир йўл вокзали" (Бекобод ш.) (такрорий)
21. ШИ-4 й.т. "УМК бозори-Фарҳод маҳалласи" (Бекобод ш.) (такрорий)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очик тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисоб-абзор ва микроавтобус турида бўлиши талаб этилади.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиди) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Яшилбод тумани, Авиасозлар кўчаси, 4/88-уй.
Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиди) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Янгийўл туман СИБ томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2015 йил 7 майдаги 111536/2659-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Alliance Trans Line" МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Рақат (собиқ Ш.Абдуллаев) кўчаси, 57-уй манзилида жойлашган умумий майдони 668 кв.м, фойдали майдони 501.18 кв.м бўлган, 0001 офис биноси, 0002 ёрдамчи бино, 0003 ҳовуздан иборат кўчмас мулклар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 362 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 2 февраль кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 29 январь кўни соат 16:00.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 20208000404920609021, МФО 01036, СТИР 207122519 х.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltasvdo@inbox.uz.

RR-0001.



20 ЙИЛЛИК ВАҚТ БИЛАН СИНАЛГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

"Respublika mulk markazi" АЖ хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги барча фуқароларни ҳўжалик юритувчи субъектлар устас фонддаги улушлари, автотранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк ҳисобланмайдиган бошқа турдаги давлат ва нодавлат мол-мулкларнинг оммавий савдоларида иштирок этишга таклиф этади. Телефон: (0371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz

"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қаторан Ангрэн шаҳар суд ижрочилири бўлими томонидан жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Ангрэн шаҳар судининг 19.05.2015 йилдаги 5014/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган "Ангрэн интeкxоумир" МЧЖ бош муҳандиси, ташкилотнинг ишчи майдонида сақланган, "VOLVO" русумли, д/р ЕЦ 3405 бўлган, 2002 йил и/э экскаватор қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 152 287 560 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 18 январь кўни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 29 январь кўни соат 16:00.

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖда 2015 йил 24 декабрь кўни ўтказилган очик аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги балансидаги, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимбойлик ҚФЙ ҳудудида жойлашган "Агромир-Газалент" МЧЖ ҚҚнинг дам олиш маскани, бошланғич баҳоси - 899 180 000 сўм, сотилиш баҳоси - 1 500 000 000 сўм.

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ маълум қилади:

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2015 йил 19 декабрдаги 101 (12841)-сонда берилган эълоннинг 5-бандидаги "ZAMIRA-MANGU" фермер ҳўжалигидан захирга олинган "Бозор" сотувчининг топириқ-хатиға асосан савдодан олинди. Ушбу эълоннинг 6-банди охиридаги "бошланғич баҳоси 82 984 000 сўм" жумласи, бошланғич баҳоси 15 779 000 сўм деб ўқилинган.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар атрофида автобусларда ва микроавтобусларда ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2015 йил 25 декабрдаги 54-сонли Баённомаси қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан:

1.1. "YO'LOVCHI" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳарда автобусларда ва микроавтобусларда ҳамда шаҳар атрофида автобусларда ва микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000704, 000705, 000706 ва 000707 рақамли лицензияларнинг амал қилиш мuddати 2015 йил 26 декабрдан тугатилди.

1.2. "OHANGARON ZENIT FOX" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000872 рақамли лицензиясининг амал қилиш мuddати 2015 йил 26 декабрдан тугатилди.

ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахсларни қўйишча равишда сўмдаги маблағларнинг қилиб чиқиш қонунчилигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.
Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz.
Гувоҳнома № 001580.
Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар диққати! "Respublika Mulk Markazi" АЖнинг устас фонддаги 34 фоза бошланғич нархи 1 568 627 399 сўм бўлган давлат улушини "Тошкент" РОбнинг биржа савдолари орқали сотиб олишни таклиф этамиз!



ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 30 декабрь кўни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-2, кундузи 11-13 даража илқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5, кундузи 8-13 даража илқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Қор кўчиши хавфи бор. Айрим жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-6 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлади.



**Янги йилда шаҳару
қишлоқларимиз бунданда
обод ва кўркем бўлиб,
ҳар соҳада дунё билан
тенглашаверсин!**



Газетанинг навбатдаги сони 2016 йил 1 январь куни чиқади.